# Юридик шахслар учун электр таъминоти шартномаси

20 йил "01" январь 200028. -сон Избоскан тумани

«Andijon hududiy elektr tarmoqlari korxonasi» АЖ Избоскан туман электр таъминоти корхонаси (кейинги ўринларда"Корхона" деб юритилади)нинг ___________-сонли Бош ишончнома асосида фаолият юритувчи рахбари Ш.Хожибеков бир 1 тарафдан ва Избоскан туман санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати (кейинги уринларда "Истеъмолчи" деб юритилади)нинг Низомли асосида фаолият юритувчи рахбари В.С.Қодиров иккинчи тарафдан, мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

## I. Шартнома предмети.

Ушбу шартнома билан "Корхона" тармоклари оркали электр энергиясини (кейинги ўринларда-энергия деб аталади) "Истеъмолчи"га етказиб бериш, "Истеъмолчи" эса истеъмол килинган энергия хаккини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

## II. Етказиб берилган энергия хисоби.

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий хажми:
актив_____________________ кВт.с., реактив _______________________кВар.с. ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи _______________________ тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тариф (кераклиси ёзилсин)тариф бўйича15 100 000 (Ўн беш миллион бир юз) сўмни ташкил этади.

Бюджет ташкилотлари учун: бюджет маблағлари хисобидан 999999(Туккиз юз туксон туккиз минг туккиз юз туксон туккиз) сўмни. Бюджетдан ташкари маблағлари хисобидан______________________________________ сўмни ташкил этади.

2.3. Истеъмолчининг ойлар кесимида бўлинган йиллик энергия хажми ушбу шартноманиьт 1-иловасидя келтирилган.

2.4. "Истеъмолчи" томонидан хак тўланиши лозим бўлган хакикий кабул килиб олинган энергиянинг хажми хисобга олиш асбобларининг (кейинги ўринларда хисоблагичлар деб аталади) кўрсаткичлари асосида ушбу шартноманинг 2-иловасида назарда тутилган тартибда аниқланади.

2.5. Вазирлар Махкамасининг 24.12.2008 йилдаги 277-сонлн карори 1-иловасида белгиланган рўйхат асосидатабиий монополия субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатиладиган истеъмолчилар учун энергияни минимал йиллик хажми__________кВт/соат ташкил этади.

## III. Хисоб-китоб килиш тартиби.

3.1. Энергия учун хисоб-китоблар табакалаштирилган бир ставкали ёки тегишли тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган кувввати 750 кВА ва ундан юкори бўлган "Истеъмолчи" (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларинннг насос станциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлаг бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) энергия учун хисоб-китобларни сутка вактларининг табакалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади.

Табакалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар: ярим тиғиз пайт сутканинг ёруг вактида (соат $9^{00}$ дан $17^{00}$ гача) - ўрнатилган тариф бўйича;

тиғиз пайт - энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат $6^{00}$ дан $9^{00}$ гача, кечки энг катта микдор соат $17^{00}$ дан $22^{00}$ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда усувчи коэффициентни кўллаш оркали;

тунги пайт - сутканинг коронги вақтида (энг кам юкламали соатларида: $22^{00}$ дан $24^{00}$ гача ва $00^{00}$дан $6^{00}$ гача) - белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда камаювчи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф 11-тариф гурухидаги "Истеъмолчи'ларнинг бир ставкали тарифига мувофикдир.

Табакалаштирилган тариф кўлланилмайдиган "Истеъмолчи"га энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф кўлланилади.

Уланган кувввати 750 кВАгача бўлган "Истеъмолчи"га энергияни реализация килиш нархни шакллантиришнинг алохида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига кирувчи махсулот ишлаб чикарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи "Истеъмолчи" учун Хукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар кўлланилади.

3.3. Ушбу шартнома бўйича хисоб-китоб даври бир ой хисоблянади, яъни ойнинг 1-санасидан кейинги ойнинг 1- санасигача.

3.4. "Истеъмолчи"лар ойда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда ' Бюро" деб аталади) ваколатли вакили иштирокида хисоб-китоб даври охирида хисоблагичлар курсаткичларини ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 3-иловасига мувофик шаклда энергия сарфи бўйича хисоботни тузади.

Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида худудий электр тармоклари корхонаси ва Бюрога белгиланган шакл бўйича ойнинг 01-санасидан 05-санасига бўлган муддатда ўз кўли билан, факсмил, электрон ёкипочта алокаси оркали такдим этилган хисобот истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги хажмини аниқлаш учун асос бўлиб хисобланади, яъни

Бунда, туловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширувчи, уланган кувввати 750 кВА ва ундан юкори булган "Истеъмолчи" буйича энергия (актив ва реактив) сарфининг тулик хажмидан ташкари, алохида-алохида тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлардаги хажмлари хам аникланиши ва курсатиб утилиши шарт.

3.5. Энергия сарфи буйича хисобот асосида "Корхона" урнатилган тартибда хисоб-китобни амалга оширади, 5 кун ичида тулаш учун хисоб фактура ва тулов хисоб варагини ёзиб беради. "Истеъмолчи"да турли тариф гурухларига тегишли булган бир нечта объект мавжуд булган такдирда, хар бир тариф гурухи курсатилган холда умумий хисоб- фактура ёзилади.

3.6. "Истеъмолчи"га энергияни етказиб бериш келгуси хисоб-китоб даври бошланишидан олдин, энергиянинг шартномавий микдори киймати учун 100 фоизлик олдиндан хак тулаш асосида амалга оширилади.

3.7. Тарифлар узгарганида "Истеъмолчи" етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар кучга кирган кундан бошлаб истеъмол килинган энергия учун янги тарифлар буйича хак тулайди.

3.8. Хисоблагичлар ушбу шартноманинг 4-иловасидаги томонларнинг элекгр тармоклари баланс мансублилигива фойдаланиш буйича масъуллигини таксимлаш буйича далолатномага мувофик аникланадиган электр тармогининг баланс буйича мансублик чегарасида урнагилмаганла, электр тармогининг чегарасидан хисоблагич урнатилган жойгача булган участкадаги энергиянинг технологик сарфининг хажми "Истеъмолчи" билан биргаликда хисоблаш йули оркали зникланади ёки узаро томонларни келишилган микдор асосида амалга оширилади ва ушбу шартномага 5- иловага мувофик далолатномада курсатилади.4

Бунда, табакалаштирилган тарифда туловларни амалга оширувчи 750 кВА ва ундан юкори булга!! кувватга уланган "Истеъмолчи" учун энергиянинг технологик сарфланиши сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алохида аникланиб ёки умумий технологик сарф микдоридан келиб чикиб хар бир давр учун мутоносиб равишда хисоблаб, жами олинган энергия хажмининг тегишли пайтларига тулов хисоб варагини ёзиш учун мутаносиб равишда кушиб борилади.

3.9. Хисоблагичлар кўрсаткичи ёзиб олинмаган ёки энергия сарфи тўғрисидаги хисобот "Истеъмолчи" томонидан тақдим этилмаган такдирда, "Корхона" томонидан энергия истеъмолининг шартномавий микдори буйича ёки утган хисоб-китоб давр учун энергия истеъмолининг амалдаги микдори тўғрисидаги маълумотлар асосида хисоб-китоб килишга хақли, бу хакда "Истеъмолчи"нинг хисоб варагида тегишли равишда кайд килинади.

Хисоблагичлар курсаткичи назорат тартибида "Бюро" томонидан ёзиб олингандан кейин "Корхона" томонидан амалда истеъмол килинган энергия учун белгиланган тартибда кайта хисоб-китоб килинади.

3.10. "Истеъмолчи"нинг энергия учун туловлар. реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек хисобга олинмаган энергия кайта хисоб-китоби ва пеня буйича карзи булган такдирда унинг аванс тулови хисобига утказилган маблаглари карзни коплашга йуналтирилади ва аванс тулови (олдиндан хак тулаш) сифатида хисобга олинмайди. "Истеъмолчи"нинг айби билан ушбу шартномада курсатилган энергия хажми тулик истеъмол килинмаган такдирда, аванс тарикасида туланган маблаглар кайтариб берилмайди ва энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

3.11. Шартномада келтирилган хисоб-китоб даври учун курсатилган микдордан 5 фоиздан ортик микдорда энергия истеъмол